

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КЎЗ  
МИКРОХИРУРГИЯСИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.01.2020.Tib.105.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**БЕКТЕМИРОВА НОРБУВИ ТУХТАЕВНА**

**ОФТАЛЬМОЛОГИЯ ЖАРРОҲЛИГИДА ГЕРИАТРИК  
БЕМОРЛАРДА ОҒРИҚСИЗЛАНТИРИШ ХУСУСИЯТЛАРИ**

**14.00.08 – Офталмология**

**14.00.37 – Анестезиология ва реаниматология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент– 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Бектемирова Норбуви Тухтаевна**

Офтальмология жаррохлигида гериатрик  
беморларда оғриқсизлантириш хусусиятлари..... 3

**Бектемирова Норбуви Тухтаевна**

Особенности обезболивания у гериатрических  
больных в оперативной офтальмологии..... 25

**Bektemirova Norbuvi Tukhtaevna**

Features of anesthesia in geriatric patients in  
operative ophthalmology..... 45

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of publishe works..... 49

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КЎЗ  
МИКРОХИРУРГИЯСИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.01.2020.Tib.105.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**БЕКТЕМИРОВА НОРБУВИ ТУХТАЕВНА**

**ОФТАЛЬМОЛОГИЯ ЖАРРОҲЛИГИДА ГЕРИАТРИК  
БЕМОРЛАРДА ОҒРИҚСИЗЛАНТИРИШ ХУСУСИЯТЛАРИ**

**14.00.08 – Офталмология**

**14.00.37 – Анестезиология ва реаниматология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент– 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.2.PhD/Tib1379 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.eyecenter.uz](http://www.eyecenter.uz)), «ZiyoNet» Ахборот-таълим портали ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) ва Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги веб-саҳифаларида ([www.uzna.uz](http://www.uzna.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбарлар:**

**Билалов Эркин Назимович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Аваков Вячеслав Ерандович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Бузуков Ботир Тулкинович**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Акмалов Абдор Саидхаматович**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент  
(Саудия Арабистони)

**Ўтақчи ташкилот:**

**Хожа Аҳмад Ясавий номидаги  
Козок-Турк Халқаро Университети  
(Қозоғистон Республикаси)**

Диссертация химояси Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc04/30.01.2020.Tib.105.01 рақамли илмий кенгаш асосидаги Бир марталик илмий кенгашнинг 2021 йил «23» декабр соат 13 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100173, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик халқа йўли кўчаси, 14 уй. Тел.: (+99871) 217-49-34; 217-45-63; 217-32-28; факс: (+99871) 217-49-37; e-mail: [eye-center@inbox.ru](mailto:eye-center@inbox.ru)).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин QIWA-рақам билан рўйхатга олинган. Манзил: 100173, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик халқа йўли кўчаси, 14 уй. Тел.: (+99871) 217-49-34; 217-45-63; 217-32-28.

Диссертация автореферати 2021 йил «05» декабр кuni тарқатилди.  
(2021 йил «05» декабр даги 20 рақамли реестр баённомаси).



**А.Ф. Юсупов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори

**Ш.А. Джамалова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

**М.Х. Каримова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация анотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Офтальмологияда кекса ва муйсафид ёшдаги беморларда анестезиологик ёндашув замонавий тиббиётнинг долзарб ва тўлиқ ҳал қилинмаган муаммоларидан бири бўлиб ҳисобланади, бу кўз ичи жарроҳлик амалиётларининг ўзига хослиги билан боғлиқдир. Замонавий технологиялар туфайли кўз жарроҳлиги ута ривожланди. Шунга қарамадан гериатрик беморларда жарроҳлик аралашувларни амалга оширишда адекват оғриқсизлантириш билан таъминлаш ҳозирги кунгача муоммолигича қолмоқда. Ушбу қийинчиликлар кўз ичи операцияларининг ўзига хослиги ва кўзнинг функционал ҳолатининг нозик мувозанати билан боғлиқ, чунки «махаллий ва умумий оғриқсизлантириш офталмотонусга таъсир қилиши мумкин»<sup>1</sup>. Жарроҳлик пайтида кекса ёшдаги беморларда умумий гемодинамика кўрсаткичларининг ўзгариши кўз ички босимига (КИБ) бошқача таъсир кўрсатиши мумкин. Шу билан бир вақтда, муваффақиятли оғриқсизлантириш ажралмас таркибий қисми жарроҳ учун қулай шарт-шароитлар яратадиган омил етарли аналгезия ва акинезия ҳисобланади. Юқоридагиларга асосланиб, бугунги кунда кўз жарроҳлигида оғриқсизлантириш муаммоси бўйича тадқиқотлар олиб бориш зарурлигини таъкидлаш мумкин.

Ҳозирги кунда дунёда кўз жарроҳлиги вақтида беморларни анестезиологик бошқаришни оптималлаштиришга қаратилган қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Офтальмологиядаги анестезиологик қўлланма катаракта операциялар учун алоҳида аҳамиятга эга, чунки кўпчилиги турли хил соматик касалликларга эга бўлган кекса ва муйсафид ёшдаги беморлардир, бу беморларга жарроҳлик учун тайёргарлик, оғриқсизлантириш ва операциядан кейинги бошқарув усулини танлаш бўйича алоҳида ёндашувни талаб қилади. Шикастланган тўқималарнинг юқори рефлексогенлиги, аниқ яллиғланиш шиши, оғриқ синдромлари муқаррарлиги ва операциядан кейинги кўнгил айнаши ва қусиш синдромининг ривожланишини ҳисобга олган ҳолда, кўз жарроҳлигида етарли анестезия ҳимоя усулини танлаш бўйича мунозарали масалалар мавжуд<sup>2</sup>. Шу муносабат билан кекса ва муйсафид ёшдаги беморлар учун кўз жарроҳлигида оғриқсизлантиришнинг оптимал усулларини қидириш замонавий анестезиология учун долзарбдир.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш ва халқаро андозаларга жавоб берадиган тиббий ёрдам сифатини ошириш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада: «... аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш самарадорлиги, сифати ва қулайлигини ошириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологияли усулларини жорий этиш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва касалликларнинг олдини олиш патронаж ва тиббий кўрик хизматининг

<sup>1</sup> Кобеляцкий Ю.Ю., Сердюк В.Н., Алексеев В.П., Минка Н.В., Дорофеева А.С. // МНС. - 2018. - №1. - №88.

<sup>2</sup> Lersch F., Eke T.A. call to action - Why European anesthesiologists and ophthalmic surgeons should join efforts in a common society // Trends in Anesthesia and Critical Care. - 2019. - 24. - p. 1-3.

самарали моделлари»<sup>3</sup> яратилишидан иборатдир. Шундай қилиб, кўз жаррохлиги учун анестезиологик ёрдамни оптималлаштиришга бағишланган илмий тадқиқотлар ушбу вазифаларнинг бажарилишига мос келади.

Ушбу диссертация тадқиқотлари маълум даражада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида амалга оширилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, дунёда ҳар йили 10 миллиондан ортиқ жаррохлик амалиёти катаракта бўйича амалга оширилади. Кўз жаррохлигидаги анестезиологик таъминот кучли аналгетик компонентни ўз ичига олиши, иложи борича бошқариладиган, хавфсиз ва бемор учун қулай бўлиши керак. Тадқиқот натижалари кўз жаррохлиги аралашувида кўпкомпонентли умумий оғриқсизлантириш ўтказиш операция вакида ва операциядан кейинги даврда оғриқсизлантириш сифатини яхшилайтиди. (Кобеляцкий Ю.Ю., Сердюк В.Н., Алексеев В.П. 2018; Берсенев С.В., Рылов П.М. 2016; Белецкий А.В., Саенко С.А. 2015; Загуменников В.В., Покорнюк М.Г. 2017; Иванов А.О. Лопатин М.А. 2017; Коробова Л.С., Лазарев В.В. 2018)

Ҳозирги вақтда турли кўз ички биосими (КИБ) беморларда кўзнинг қон айланиш параметрларига тизимли артериал босимнинг (АҚБ) таъсири масаласи тўлиқ текширилмаган. Перфузион босим динамикасини ва беморларда кўз ичи қон томир ауторегуляцияси ҳолатини янада ўрганиш керак. Шунингдек, орбитал артерия ва кўзнинг бошқа томирларидаги гемодинамика нормасининг кўрсаткичларини ҳам аниқлаш керак. Веноз босимнинг ошиши, қон томир қон ҳажмининг ортиши туфайли КИБ нинг ошишига олиб келиши исботланган. Агар кўз олмаси ичидаги қон ҳажми ортса, кўз ичи босими (КИБ) ҳам ортади. Операция жараёнидаги ҳар хил таъсирлар трахея интубацияси, нафас йўллари ўтказувчанлигининг бузилиши ва йўтал КИБга салбий таъсир кўрсатади. Тадқиқотлар мавжуд адабиётларда ҳам анестезиянинг бош мия қон айланиши, кўз артериясидаги қон айланишига, шунингдек КИБга таъсири тўғрисида маълумотлар учрамайди. (Lynds R., Hansen B., Blomquist P.H. 2019; Ali I.G. 2019; Chaudry Q.L., Naseem S. 2019; Chua A.W.Y., Chua M.J., Harrisberg B.P.

---

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида» ги Фармони.

2020; Ducloyer J.B., Couret C. 2018; Ghadiali Q., Ghadiali L.K. 2018; Jaichandran V., Srinivasan S., Raman S. 2020).

Биз ўрганаётган муаммонинг долзарблиги Республикамизда маҳаллий ва ўтказувчи анестезия усуллари билан биладиган ва кўз жарроҳлиги давомида боскичларини чуқур тушунадиган сертификатланган мутахассислар жуда кам мавжудлиги билан боғлиқ. Жарроҳлик аралашувининг натижаси, маълумки, психоэмоционал фон, гемодинамика, кўз ичи босими, кўз ҳаракатчанлиги ва аналгезияни бошқариш бўйича етарли даражада операциядан олдинги тайёргарликга боғлиқ. Юқоридаги маълумотлар кўз жарроҳлигида гериатрик беморларда катаракта операциялар пайтида маҳаллий ва умумий оғриқсизлантиришнинг оптимал вариантыни танлаш учун янги усулларни ишлаб чиқиш зарурлигини кўрсатади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Тошкент тиббиёт Академияси Анестезиология ва реанимация кафедраси № 02140225 нинг «Наркоз жараёнида ва тиббиётда критик шароитда гомеостаз бузилишларини тузатиш» мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Кўзнинг офталмотонуси, марказий ва микрогемодинамикаси кўрсаткичларини, шунингдек аналгезиянинг давомийлиги ва чуқурлигини кузатиш асосида катарактали гериатрик беморларда жарроҳлик пайтида оғриқсизлантиришнинг оптимал вариантыни танлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

гериатрик беморларда катарактали жарроҳлик амалиётида умумий оғриқсизлантириш остида периферик ва марказий гемодинамика, офталмотонус ҳолатини ўрганиш;

гериатрик беморларда катарактали жарроҳлик амалиётида турли маҳаллий анестезиклардан фойдаланган ҳолда ретробулбар анестезия асосида периферик ва марказий гемодинамика, офталмотонус ва кўзнинг микрогемодинамикаси ҳолатини ўрганиш;

ўрганилган кўрсаткичлар асосида умумий ва маҳаллий оғриқсизлантириш таъсирини, самарадорлигини, асоратлар сони ва уларнинг хавфсизлигига қиёсий тавсифини баҳолаш;

гериатрик беморлардаги катарактали жарроҳлик аралашувида оғриқсизлантириш турини ва усулини танлаб олишга қиёсий ёндошув мезонларини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** 2010 йилдан 2019 йилгача бўлган даврда Тошкент тиббиёт Академияси II клиникасининг офтальмология бўлимида стационар даволанишда бўлган, юқори анестетик хавфга эга маҳаллий ва умумий оғриқсизлантириш остида операция қилинган катаракта касалига чалинган 250 нафар кекса ва муйсафид беморлар бўлган.

**Тадқиқотнинг предмети** маҳаллий ва умумий оғриқсизлантириш остида ишлайдиган катаракта касалига чалинган беморларнинг клиник, функционал, гемодинамик, тонометрик ва тонографик параметрлари эди.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда клиник-биокимёвий текширишлар, ЭКГни қайд қилиш ва мониторинг ўтказиш; манбани танлаб олиш (ЭКГ, SpO<sub>2</sub>) имконияти билан юрак қисқаришлар сони (ЮҚС) ўзгаришлари (мониторинги); аритмияни қайд қилиш ва автоматик ёзиб олиш; капилляр қонини кислород билан тўйиниш даражасини ўзгаришлари (мониторинги) (пульсоксиметрия); импиданс кардиография усули билан периферик ва марказий гемодинамика параметрларини ноинвазив доимий мониторинг қилиш (ISU модуль): УИ, СИ, ЮҚС; биомикроскопия, офтальмоскопия, тонометрия, тонография, ультратовушли текшириш ва статистик тадқиқот усуллари билан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагича:**

илк бор умумий ва маҳаллий оғриқсизлантиришнинг турли вариантлари шароитида ортирилган катаракта сабабли жарроҳлик амалиёти ўтказилган гериатрик беморларда кўз микрогемодинамикаси, офтальмотонус, гемостаз, периферик ва марказий гемодинамика ҳолатини мажмуавий текшириш ўтказилди;

илк бор ўрганилган кўрсаткичларга оғриқсизлантиришни бошланиш тезлиги, давомийлиги ва чуқурлиги, асоратлар сони, самарадорлиги ва уларнинг хавфсизлигига умумий ва маҳаллий оғриқсизлантиришнинг таъсирини қиёсий таъсифи ўтказилди;

гериатрик беморларда ўтказувчи анестезия учун катаракта сабабли жарроҳлик амалиётларида 0,5% ли бупивакаинни қўллаш мақсадга мувофиқ, у кўз олмасида чуқур ва давомли (120-180 дақиқа) анестезияни ҳамда моплегияни юзага келтиради;

артериал гипертония ва ЮИК бор катарактали гериатрик беморларда кўз жарроҳлиги пайтида пропופол кичик дозаларда фентанил билан биргаликда ишлатилганда офтальмотонус, тизимли ва марказий гемодинамиканинг энг яхши кўрсаткичлари олинган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагича:**

гериатрик ёндош касаллиги мавжуд беморларда катарактали кўз жарроҳлигида оғриқсизлантириш тури ва усулини танлашга дифференциал ёндашув мезонлари ишлаб чиқилган;

гериатрик ёндош касаллиги мавжуд беморларда катарактали кўз жарроҳлигида ўтказувчи анестезиянинг янги усули ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган;

гериатрик беморларда ўтказувчи анестезия учун катаракта сабабли жарроҳлик амалиётларида 0,5%ли бупивакаинни қўллаш мақсадга мувофиқ, у миоплегияли кўз олмасида чуқур ва давомли (120-180 дақиқа) анестезияни юзага келтиради;

лидокаиннинг 2% ли эритмасидан 10 мл ҳажмида фойдаланиш қисқа муддатли катарактали кўз жарроҳлиги учун, унинг аналгетик таъсирининг қисқа давомийлиги (30-35 дақиқа) ва энофтальмик кўз учун таъсия этилади;

гериатрик беморларда катарактали кўз жарроҳлиги вақтида 2% ли новокаин эритмасидан фойдаланишнинг номувофиқлиги қисқа (20-25 мин) таъсири ҳамда КИБ ва миоплегияга таъсир этмаслиги билан изоҳланади.



**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** қуйидагилар билан тасдиқланади: назарий жиҳатдан асосланган усуллардан фойдаланиш; олиб борилган тадқиқотларнинг услубий тўғрилиги; замонавий, бир бирини тўлдирувчи ва асбоб ускуналар билан текширишни, шунингдек беморлар сонини етарлилиги, катаракта сабабли ўтказилган жарроҳлик амалиётларида оғриқсизлантиришни тури ва усулларини такомиллаштириш, статистик таҳлил усуллар жамланмасини асосланиши, олинган натижаларни халқаро ва маҳаллий тадқиқотлар билан ўзаро қиёслаш билан асосланди, хулоса ва олинган натижалар ваколатли тизимлар томонидан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Ўтказилган тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, олинган хулосалар ёндош касаллиги мавжуд кекса ва муйсафид ёшдаги шахсларда оғриқсизлантириш тури ва усулини танлаб олишга қиёсий ёндошувни ўрганишга ўзининг сезиларли хиссасини қўшади. Илмий нуқтаи назардан, олинган тадқиқот натижаларининг назарий аҳамияти шундаки, хулосалар ва таклифлар катарактали кўз жарроҳлиги аралашуви учун анестезиологик қўлланмани такомиллаштиришга сезиларли ҳисса қўшади. Биринчи марта марказий гемодинамика кўрсаткичларидан кўз микроциркуляциясини ўзгаришининг боғлиқлиги тақдим этилди. Лидокаин билин ретробульбар блокада ва айниқса бупивакаинни қўллаганда кўз микроциркуляциясини яхшиланиши исботланди.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, кекса ва муйсафид ёшидаги катарактали кўз жарроҳлигида ёндош касалликлари мавжуд беморларда оғриқсизлантириш тури ва усулини танлашга дифференциал ёндашувни ўрганишга катта ҳисса қўшади. Жарроҳлик пайтида ва операциядан кейинги даврда асоратлар частотасини камайтириш учун кекса одамларда оғриқсизлантириш тури ва усулини танлашда кўз ичи жарроҳлигининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш зарурлиги исботланган.

**Тадқиқот натижаларини жорий этилиши.** Офтальмология жарроҳлигида гериатрик беморларда оғриқсизлантириш хусусиятлари илмий тадқиқотлари натижасида олинган маълумотлар асосида:

«Офтальможарроҳликда оғриқсизлантириш усуллари ва ўзига хосликлари» мавзусидаги услубий тавсиянома ишлаб чиқилди ва соғлиқни сақлаш амалиётига жорий этилди (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 22 декабридаги 8н – р/635 сонли хулосаси). Ушбу услубий тавсияномада ишлаб чиқилган оғриқсизлантириш усули батафсил баён этилган. «Офтальмологик жарроҳлик амалиётларида оғриқсизлантириш тактикаси» мавзусидаги услубий тавсиянома ишлаб чиқилди ва соғлиқни сақлаш амалиётига жорий этилди. (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 22 декабридаги 8н – р/636 сонли хулосаси). Мазкур тавсиялар энди иш бошлаган мутахассисларга билимларни кенгайтиришга, катаракта сабабли жарроҳлик амалиётларида оғриқсизлантиришнинг ўзига хосликлари, офтальмологик жарроҳлик амалиётларида анестезиологик таъминотнинг махсус вазифаларини қўйишга имкон беради.

2020 йил 7 августда №002349 раками остида Халқаро интеллектуал мулк агентлигидан «Офтальмология жарроҳлигида гериатрик беморларда оғриқсизлантириш хусусиятлари» мавзусида муаллифлик гувоҳномаси олинди. Офтальмология жарроҳлигида гериатрик беморларда оғриқсизлантиришни ўзига хосликлари бўйича илмий тадқиқотларда олинган натижалар амалий соғлиқни сақлашга, жумладан Тошкент тиббиёт академиясининг кўп тармоқли клиникаси офтальмология бўлими, Самарқанд Давлат тиббиёт институти 1-клиникаси ва Фарғона вилояти кўз касалликлар шифохонаси фаолиятига жорий этилди (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 12 октябрдаги 8н–з/349 сонли хулосаси). Олинган натижаларни амалиётга жорий этилиши юқори анестезиологик ҳавфли гериатрик беморларда катаракта сабабли ўтказилган жарроҳлик амалиётларида оғриқсизлантиришни ҳавфсизлиги ва самарадорлигини ошириш имкониятини беради.

**Тадқиқот натижаларини муҳокамаси.** Ушбу тадқиқот натижалари 8 та илмий-амалий конференцияда, шу жумладан 5 та халқаро ва 3 та республика миқёсида муҳокама қилинди.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жамми 24 та илмий иш нашр этилган, шу жумладан 7 та мақола, улардан 3 та республика ва 4 та халқаро журналларда, барчаси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда эълон қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хотима, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.


## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** тадқиқотнинг долзарблиги ва заруратини асослаб беради, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва мавзусини белгилайди, ишнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим соҳаларига мослигини кўрсатади, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаларини баён қилади, натижаларнинг ишончлилигини асослаб беради, уларнинг илмий ва амалий аҳамиятини очиқ беради, тадқиқот натижаларини амалий фаолиятда амалга ошириш, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши ҳақида маълумот беради.

Диссертациянинг биринчи бобида «**Адабиётлар шарҳи**» яъни тўққиз кичик банддан иборат адабиётлар шарҳи акс эттирилган бўлиб, унда анестезиологияда анестезиологик муаммоларнинг ҳозирги ҳолати ҳақида маълумот берилган. Анестезия усулини танлаш, кўз жарроҳлиги унинг хусусиятлари, шунингдек, оғриқсизлантиришнинг тизимли ва маҳаллий гемодинамикага таъсирга эътибор берилган. Бобда кўз жарроҳлиги пайтида оғриқсизлантириш соҳасида хорижий олимларнинг замонавий илмий ютуқлари батафсил баён этилган. Мақолада катаракта экстракцияси жарроҳлиги пайтида оғриқсизлантиришнинг янги усуллари оид адабиётлар маълумотлари ёритилган.

Диссертациянинг иккинчи боби «Тадқиқот материали ва усуллари» да клиник материалнинг умумий хусусиятлари ва қўлланилган тадқиқот усуллари баён этилган. Клиник материаллар Тошкент тиббиёт Академияси II-клиникасининг офталмология бўлимида 2010-йилдан 2019-йиллар давомида кекса ва муйсафид ёшдаги орттирилган катаракта туфайли кўз жарроҳлигини ўтказган беморлардан олинган натижалар асосида тақдим этилган.

Тадқиқотлар маҳаллий ва умумий оғриқсизлантириш остида, орттирилган катаракта касаллигига чалинган ва кўз жарроҳлиги ўтказилган 250та кекса ва муйсафид ёшдаги беморларда олиб борилди, 250 бемордан 205 та беморда ёндош касалликлар мавжуд бўлган. Шу билан бирга, кўпчилик (205 бемор) 2 ёки ундан ортиқ ёндош касалликларга эга эканлигини такидлаш лозим.



1-расм. Ўрганилган гуруҳлардаги ёндош касалликлар n=250

38 та (14,6%) юрак ишемик касаллиги (ЮИК) ва 42та (16,4%) гипертония касаллиги (ГК), 21та (8,6%) қандли диабет билан касалланиш ёндош патологиянинг қолган қисмидан устун келди. Бехтерев касаллиги 21 та беморда (8,6%) кузатилган. Кексалик психози 17 та (6,8%) учради, бронхиал астма 16 та (6,4%), онкологик касалликка чалинганлар 14 (5,8%), Паркинсон касаллиги 11 та (4,6%), муйсафид ёш шизофрениyasi 14 та (5,2%) беморда кузатилган. Мияда қон айланишининг ўткир бузилиши натижасида (МҚАЎБ) 11та беморда (4,6%), цереброваскуляр етишмовчилиги енгил гемипарез, дизартрия кўринишида намоён бўлган эди.

Оғриқсизлантириш турига қараб ўрганилган беморлар икки гуруҳга бўлинди. Оғриқсизлантиришнинг усулига қараб ҳар бир гуруҳ 3 та кичик гуруҳларга бўлинди: "А", "Б", "С".

I-гуруҳ беморларда ретробулбар ва юз нерв блокадаси қўлланилган:

I- " А " кичик гуруҳида (n=25) ўтказувчи анестезияси учун маҳаллий анестетик - 2% новокаин ишлатилган;

I-"Б" кичик гуруҳида (n=50) - 2% лидокаин анестезия учун қўлланилди;

I-"С" кичик гуруҳида (n=75) – 0.5% бупивакаин эритмаси қўлланилди.

II- гуруҳ беморларда оғриқсизлантириш умумий вена ичи анестезияси остида ўтказилди:

II "А" кичик гуруҳида (n = 27) анестезия учун кетамин билан сибазон биргаликда қўлланилди;

II "Б" кичик гуруҳида (n=48), пропофол ва фентанил қўлланилди;

II "С" кичик гуруҳида (n=25), атаралгезия учун дроперидол - фентанил – седуксен қўлланилди.

Тадқиқот гуруҳларида анестезиянинг бошланиш тезлиги, унинг давомийлиги ва чуқурлиги ҳамда уни амалга ошириш вақтида кўз ичи босимининг ўзгариши, периферик ва марказий гемодинамика, кўз микрогемидониамикаси ўрганилди. Ўрганилган гуруҳларда беморлар кўз жарроҳлигининг қуйидаги модификацияларини ўтказдилар: катарактанинг экстракапсуляр экстракцияси (КЭЭ), катарактанинг экстракапсуляр экстракцияси интраокуляр линза имплантацияси билан (КЭЭ +ИОЛИ) ва катарактанинг тоннел экстракцияси интраокуляр линза имплантацияси билан (ИОЛ билан КТЭ+ ИОЛИ).

Оғриқсизлантириш таъсири остида беморларнинг ҳолатини ўрганиш учун қуйидаги текширув усуллардан фойдаланилди:

\* булбоконтрактиванинг телевизион капилляроскопияси

\* кўз ичи босимини ўрганиш (А. Н. Маклаков бўйича тонометрия ва А. Л. Нестеров бўйича тонография);

\* ултратовуш доплерографияси;

\* Периферик ва марказий гемодинамикани ўрганиш.

Диссертациянинг учинчи бобида, «**Маҳаллий оғриқсизлантириш бўйича шахсий тадқиқот натижалари**», беморларнинг анестезиядан олдинги ва кейинги клиник ва функционал ҳолатлари натижалари келтирилган.

Премедикация операциядан 30-40 дақиқа олдин амалга оширилди. Бу мақсад учун 25-50% 4-2 мл анальгин, 1% ли 1-2мл димедрол, 20 мкг/кг миқдорида дроперидол ёки 0,2мг/кг диазепам ишлатилган.

Барча беморларда Ж. Морган, С. Михаил усули бўйича ретробулбар блокадаси ва Ванн Линта усули бўйича юз нерв блокадаси ўтказилган. Қуйидаги кўрсаткичлар ўрганилди: анестезиянинг бошланиш даражаси, тўлиқ анестезиянинг давомийлиги, анестезиянинг умумий давомийлиги, анестезиянинг чуқурлиги. Кўз сокқасининг сезгирлигини биринчи аниқлаш 2 дақиқадан сўнг, кейин 5, 8, 10 дақиқадан сўнг ва кейинчалик ҳар 5 дақиқада оғриқсизлантириш пайтида амалга оширилди. Тўлиқ оғриқсизлантириш учун кўз сокқасининг милтилловчи рефлeksi ва ҳаракати йўқлиги, кўз ичи босимининг пасайиши шартли равишда олинган. Кўз сокқасининг тўлиқ

анестезияси давомийлиги унинг пайдо бўлишига сезувчанлик бўлмаган пайтдан бошлаб аниқланди. Анестезиянинг умумий давомийлиги кўз соққасининг сезгирлиги камайгандан бошлаб унинг нол қийматларининг қайтишига қадар бўлган вақт оралиғи билан ўлчанди. Кўз соққасининг оғриқсизлантириш чуқурлиги сезувчанликнинг пасайиши ва кўз ичи босимининг пасайиши билан характерланади. Новокаин билан ретробулбар блокадасидан кейин оғриқсизлантириш 6-10 дақиқадан сўнг содир бўлди. Лидокаин ва бупивакаинни ишлатганда 2-5 ва 5-8 дақиқа бўлган. Жадвалда бупивакаин таъсирида кўз соққаси анестезиясининг умумий давомийлиги кўрсатилган бўлиб, лидокаин ва новокаинга нисбатан ўртача 4-6 марта узун бўлган (1-жадвал)

### 1-жадвал

#### Анестезия учун ўрганилган дориларнинг қиёсий маълумотлари

Препарат	эритманинг концентрацияси, %	анестезия бошланиши даражаси, дақ.	анестезиянинг умумий давомийлиги, дақ.
Новокаин n=25	2	6-10	20,3±1,3
Лидокаин n=50	2	2-5	34,0±1,4
Бупивакаин n=75	0,5	5-8	120,7±1,8

Тадқиқот шуни кўрсатдики, маҳаллий анестетиклар ретробулбар қўлланилганда кўз олмасига анестетик таъсирида сезиларли даражада фарқ қилади. Маълум бўлишича, 2% новокаин заиф ва киска анестетик хусусиятларга эга бўлиб, КИБ га таъсир қилмайди ва миоплегияга сабаб бўлмади. 2% лидокаин кучли анестетик хусусиятга эга булиб, КИБ сезиларсиз даражада камаяди ва зарур миоплегияни чақирмийди. Бупивакаин кучли ва узоқ таъсир доирасига эга анестетик булиб, КИБ ни сезиларли даражада туширади ва миоплеяни таъминлаб бера олади. Шунингдек, аналгезия даражасини баҳолаш учун 1 дан 10 баллгача бўлган визуал аналог шкала (ВАШ) дан фойдаланилди. ВАШ операция якунигача кесма ўтказилган пайтдан бошлаб ҳар 5 дақиқада баҳолаб борилди. Операциядан олдин ҳар бир беморга ВАШдан фойдаланиш тушунтирилди. ВАШ бўйича 1-3 баллни енгил оғриқ деб ҳисобладик; 4-6 балл – ўртача, 7-8 - оғир, 9-10 - чидаб бўлмас оғриқ деб ҳисобладик. Оғриқнинг интенсивлиги, нуқталардан ташқари, тавсифловчи хусусиятга ҳам эга эди. Беморларга оғриқ даражасини таърифловчи, "юзини" танлаш талаб қилинди. (ВАШ шкаласи бўйича 3 баллдан ортиқ) бўлган ҳолларда адекват оғриқсизлантиришни таъминлаш мақсадида қўшимча анальгетик ёки анестетиклар юборилди.

Ўрганилган гуруҳларда маҳаллий анестетикларнинг КИБга таъсирини ўргандик. КИБ оғриқсизлантиришдан олдин ва кейин ўлчанди. КИБ ретробулбар оғриқсизлантириш учун ишлатиладиган маҳаллий анестетик таъсири остида ўзгаришларга дуч келди, лекин тенг даражада эмас эди. Бироқ, биз ишлатиладиган дозаларда новокаин таъсири остида, фақат тонометрик ва ҳақиқий КИБ ( $P>0.05$ ), кейин лидокаин ва яна ҳам аниқ – бупивакаин камайтириш тенденцияси аниқланди, КИБ бир статистик муҳим пасайишига олиб келди. Шу билан бирга лидокаин тонометрик КИБни 8,9% га камайтирган

бўлса, бупивакаин – 22,4% га тўғри келади. Маклаков бўйича тонометрик маълумотлар таҳлил қилинганда аниқландики, беморларни бупивакаин билан оғриқсизлантирилганда жарроҳлик амалиёти вақтидаги кўз ичи босими ўртача 3-6 мм симоб устунига пасаяди ( $P < 0,05$ ), новокаин билан оғриқсизлантирилганда эса у ўзгармайди ёки жуда сезиларсиз пасаяди (1,0-1,5 мм симоб устунига). Бупивакаиннинг кўз ичи босимиغا кўрсатадиган гипотензив самараси Нестеров тонографияси маълумотлари билан ҳам тасдиқланади. Тонографик тадқиқотлар кўрсатдики, жарроҳлик амалиёти вақтида I “С” кичик гуруҳ беморларида сувли намликни дақиқали хажмини юқори даражада камайиши (44%гача) ва бир вақтнинг ўзида оқиб чиқиш коэффициентини пасайиши (21,9%) ҳисобига чин кўз ичи босимини ишончли пасайиши кузатилади.

## 2-жадвал

### Маҳаллий анестетикларни КИБ ва кўз гидродинамикаси кўрсаткичларига таъсири

Гуруҳлар	Тадқиқот босқичлари	Ўрганилган кўрсаткичлар			
		Тонометрик босим – $P_0$ (мм.см уст.)	Кўзнинг чин босими - $P_0$ (мм.см уст.)	Оқиб чиққан суюқлик коэффициенти – С (мм <sup>3</sup> /мин/мм.см уст.)	Сувли намликнинг дақиқали хажми – F (мм <sup>3</sup> /дақ)
I «А» подгруппа n=25	Анестезиягача	22,06±0,11	14,92±0,56	0,21±0,05	2,84±0,28
	Анестезиядан сўнг	21,02±0,09	13,81±0,58	0,19±0,04*	2,04±0,20***
I «В» подгруппа n=50	Анестезиягача	22,11±0,02	14,10±0,06	0,31±0,02	3,46±0,15
	Анестезиядан сўнг	21,13±0,16	13,06±0,03 <sup>^</sup>	0,43±0,03**	3,31±0,16***
I «С» подгруппа n=75	Анестезиягача	23,20±0,21	15,31±0,72	0,29±0,02	3,43±0,19
	Анестезиядан сўнг	18,07±0,08 <sup>***, ^</sup>	12,90±0,82*	0,41±0,019 <sup>***, ^^</sup>	2,32±0,14 <sup>***, ^^</sup>

Изоҳ: \* - анестезиягача бўлган кўрсаткичлар билан таққослаганда ишончли (\*- $P < 0,05$ ; \*\*- $P < 0,01$ ; \*\*\*- $P < 0,001$ ) ^ - анестезиядан кейин I А кичик гуруҳ кўрсаткичлари билан солиштириш бўйича ишончли (^- $P < 0,05$ ; ^^- $P < 0,01$ ; ^^^- $P < 0,001$ )

Новокаин билан оғриқсизлантириш пайтида гидродинамик параметрларни қиёсий баҳолаш (I гр.) бупивакаин оғриқсизлантириш пайтида тонография маълумотлар билан (3-4 мм Хг ичида) кўз ичи босимида сезиларли тебранишлар кўзатилди. Бундай ҳолда, новокаин билан оғриқсизлантириш операция қилинган кўзнинг ҳолатига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Аксинча, кўз жарроҳлиги давомида оғриқсизлантириш учун бупивакаиндан фойдаланиш туфайли сувли намлик ишлаб чиқариш аниқ пасайишига, ҳақиқий офталмотонус бир доимий камайиши билан бирга бўлади. Сувли намлик секрециясининг кўрсаткичлари пасайиши соғлом кўзларнинг реоофтальмографияси билан аниқланган цилиар тананинг қон билан тўлдирилишининг пасайишига боғлиқ. Оғриқсизлантириш пайтида реографик коэффициентнинг ишончлилиги 18% ( $p < 0.05$ ) цилиар тана томирларида қон оқимининг қисқа ва вақтинчалик камайишини ва кўз ичи айланишида сезиларли ўзгаришлар йўқлигини кўрсатади. Шундай қилиб, цилиар танага қон бериш интенсивлиги, сувли намликнинг секрецияси ва кўз

ичи босими даражаси ўртасидаги муайян боғлиқлик маҳаллий анестетиклар билан оғриқсизлантириш пайтида сақланиб қолади.

**Тадқиқот босқичларида ўрганилган гуруҳ беморларда булбоконтъонктива томирлари биомикроскопиясининг қиёсий хусусиятлари.**

Гуруҳлар бўйича биомикроскопиянинг якуний маълумотларини ўрганишда қон айланишини нисбий марказлаштирилиши аниқланди, бу меъёрий катталикларга нисбатан артериолалар диаметрини 17% ва 20,2%, капиллярлар диаметрини 74,7 – 78,0% чегарасида торайиши билан тасдиқланади. Гуруҳлардаги вена калибрлари дилатациясини 61,5% ва 62,3% чегарасида бўлиши нисбий веноз димланишидан дарак беради. Артериолларни торайиш фонида венулларнинг яққол намоён бўлган дилатацияси артерио – веноз коэффицентини бузилишига олиб келади. Демак, бизнинг беморларимизда якуний артерио-веноз коэффицентини учта гуруҳда нисбатан меъёрий белгиларга мос ҳолда 48,6%га ва 50%га статистик аҳамиятли паст бўлди. Ўрганилаётган анестетиклар билан маҳаллий блокададан сўнг торайган артериолаларни кенгайиши, капиллярлар диаметрини торайиши, капиллярларда қон оқими тезлигини ортиши ва артерио-веноз коэффицентини кўтарилиши қайд этилади. Агар новокаиндан сўнг торайган артериолларни кенгайиши 47,8% бўлган бўлса, унга мос ҳолда лидокаиндан кейин 56,6%га тенг бўлди, бупивакаин таъсиридан кейин эса артериоллар диаметри деярли 2 мартага (96,9%) ортди. Новокаин ва лидокаиндан сўнг капиллярлар диаметрини ортиши мос ҳолда 30,3% - 32,8% ни ташкил этди. Бупивакаиндан кейин эса - 42,8%. Барча ўрганилган гуруҳларда анестезиядан сўнг қон оқим тезлиги ортиб борди, аммо бир хил даражада эмас, у оғриқсизлантириш бупивакаин билан ўтказилган гуруҳда яққол намоён бўлиб - 2 мартага ошганлигини кўрсатди (51,0%). Артерио-веноз коэффицентини новокаиндан кейин 45,7%, лидокаиндан сўнг - 55,8%, бупивакаиндан кейин -76,4%га ошди.

**3-жадвал**

**Тадқиқот босқичларида ўрганилган гуруҳ беморларда кўзнинг микроциркуляцияси ҳолати**

Маҳаллий анестезия			Гуруҳлар			
			I «А» кичик гуруҳ n=23	I «Б» кичик гуруҳ n=38	I «С» кичик гуруҳ n=45	*Нормал ҳолат n=20
Томирлар диаметри, мкм	Артериолалар	Анестезиядан олдин	13,4±0,51*	12,9±0,46*	13,0±0,41*	16,3±0,11
		Анестезиядан кейин	19,8±0,80*,^	20,2±0,69*,^	25,6±0,82*,^	
	Капиллярлар	Анестезиядан олдин	6,83±0,30*	7,0±0,23*	7,1±0,23*	9,1±0,08
		Анестезиядан кейин	10,1±0,41*,^	9,3±0,32^	13,1±0,45*,^	

	Томирлар	Анестезиядан олдин	38,5±1,31*	37,8±1,3*	38,0±1,3*	23,4±0,71
		Анестезиядан кейин	38,8±1,4*	38,1±1,4*	38,6±1,42*	
Тезлиги	капиллярларда қон оқими мм/сек	Анестезиядан олдин	0,38±0,013*	0,44±0,015*	0,51±0,02*	1,8±0,05
		Анестезиядан кейин	0,71±0,024*,^	0,80±0,025*,^	1,04±0,03*,^	
Артерио-венуляр коэффициенти		Анестезиядан олдин	0,35±0,012*	0,34±0,012*	0,34±0,012*	0,7±0,03
		Анестезиядан кейин	0,51±0,017*,^	0,53±0,012*,^	0,66±0,012^	

**Изоҳ:** \* - нисбий нормал кўрсаткичларга нисбатан солиштирилганда ишончли, маълумотлар Каримова М.Х., 1988 олинган (\*-P<0,001); ^ - анестезиягача бўлган кўрсаткичлар билан таққослаганда ишончли (^-P<0,001).

Шундай қилиб, бупивакаин билан ўтказилган ретробульбар анестезия томирлар резистентлик тонусини мос ҳолда 55% га ва кўзлардаги қон оқим тезлигини 51% га ортишига олиб келади. Якуний веноз стазига олиб келувчи қоннинг артериал оқимини ортиши бупивакаиннинг кўз олмасини микроциркуляциясига ижобий таъсир кўрсатишидан гувоҳлик беради.

**Тадқиқот босқичларида ўрганилган гуруҳларда ултратовуш доплерографиясида тўр парданинг марказий артерияси (ТПМА) ҳолати.**

Алоҳида маҳаллий анестетикларнинг тўр парда марказий артерияси гемодинамик кўрсаткичларига таъсирини солиштириш мақсадида ўрганилган маълумотларни гуруҳлар бўйича таққосладик (4-жадвал).

**4-жадвал**

**Тадқиқот босқичларида ўрганилган гуруҳлар ТПМА гемодинамикаси кўрсаткичлари (n=150)**

Ўрганилган		гемодинамик кўрсаткичлар		
		Vmax, см/с	Vmin, см/с	Ri
I «А» кичик гуруҳ (n=23)	Анестезиягача	11,3±0,37***	3,8±0,14	0,66±0,014*
	Анестезиядан сўнг	11,7±0,41**	4,1±0,14	0,65±0,002***
I «В» кичик гуруҳ (n=38)	Анестезиягача	10,9±0,34***	3,9±0,12	0,64±0,003***
	Анестезиядан сўнг	12,4±0,38*,^	4,30±0,14^	0,65±0,03
I «С» кичик гуруҳ (n=45)	Анестезиягача	11,0±0,34***	4,1±0,13	0,69±0,004
	Анестезиядан сўнг	12,7±0,39*,^^	6,6±0,20***,^^	0,48±0,010***,^^
Норма		14,0±0,44	4,1±0,14	0,70±0,011

**Изоҳ:** \* - нисбий нормал кўрсаткичларга нисбатан солиштирилганда ишончли (\*-P<0,05; \*\*-P<0,01; \*\*\*-P<0,001) ^- дастлабки кўрсаткичларга нисбатан солиштирилганда ишончли (^-P<0,05; ^^ -P<0,001).



Барча беморларга оғриксизлантиришдан олдин ва кейин доплер текширишлари ўтказилди. Тўр парданинг марказий артериясини (ТПМА) микродорий таҳлилида қуйидаги гемодинамик кўрсаткичлар баҳоланди:

- Қон оқимини систолик тезлиги ( $V_{max}$ );
- Диастолик тезлик ( $V_{min}$ ), бу артериянинг эгилувчан-эластик хусусиятини акс эттиради;
- Циркуляр қаршилик индекси ёки қон томирларидаги оқим қаршилигини ортишини акс эттирувчи резистентлик индекси ( $R_i$ ).

Агар I «А» кичик гуруҳда яъни новокаин билан анестезиядан кейин систолик қон оқими тезлиги 3.5% га ошса, унда лидокаин ва бупивикаин билан оғриксизлантириш қилинган I «Б» ва I «С» кичик гуруҳларида бу рақамлар 13.8% ва 15.4% ни ташкил қилди. Бундан ташқари, тадқиқот босқичларида блокададан олдин ва кейин гуруҳлар билан таққослаганда, ТПМАда охириги диастолик қон оқимининг ошиши 7.9%; 10.2% ва 60.9% ни ташкил этди. Ўрганилган гуруҳлардаги қон айланишга чидамлилиқ кўрсаткичининг ўзгаришларини таққослашда қуйидагилар қайд этилди: I «А» кичик гуруҳда оғриксизлантиришдан кейин резистив томирлар тонусининг пасайиши мос равишда 25%, I «Б» ва I «С» кичик гуруҳларда – 37.5% ва 55.5% ни ташкил этди. Келтирилган жадвалда биз фойдаланган маҳаллий анестетиклар оқибатида ТПМА гемодинамикасида бир томонлама ўзгаришлар аниқ кўрсатилган, лекин бу ўзгаришларнинг даражаси ва уларнинг қўлланиш нуқталари бир-биридан фарқ қилади. Шу кўрсаткичлар нормал ҳолатлар билан барча уч кичик гуруҳлар беморларда  $V_{max}$ ,  $V_{min}$  ва  $R_i$  бошланғич ҳолатлар ўзгаришлар солиштирилганда, уларнинг барча статистикаси сезиларли даражада паст эди ( $P < 0,05$ ), биз бу ҳолатни беморларни ёш хусусиятлари ва офталмологик патология борлиги билан изоҳладик. Шундай қилиб, уларнинг кучига кўра биз ўрганган анестетикларни қуйидаги тартибда тарқатиш мумкин: новокаин – лидокаин – бупивикаин. Маълумки, анестезиянинг кучи ёғлардаги эрувчанликка боғлиқ; анестезиянинг ёғлардаги эрувчанлиги қанчалик юқори бўлса, таъсир шунчалик кучаяди. Шу билан бирга новокаиннинг ёғлардаги эрувчанлиги  $<1$  бўлса, лидокаин ва бупивикаин учун бу кўрсаткич мос равишда 4 ва 28 ни ташкил этади.

#### **Ўрганилган гуруҳларда марказий гемодинамика кўрсаткичлари**

Ретробульбар оғриксизлантириш ўтказилишидан олдин ва ундан кейин МГ нинг ҳолати ўрганилди. Беморларнинг барча ўрганилган гуруҳлари қон айланиш тизимидаги ўзгаришлар билан ажралиб турарди. Марказий гемодинамика (МГ) нинг бошланғич маълумотларини ўрганишда қуйидагилар маълум бўлди:

- бир марталик юрак ишлашининг (УИ) 14.2% га пасайиши;
- юрак (СИ) нинг минутлик кўрсаткичининг 18.1% га пасайиши;
- шу билан бирга, юрак қисқариш тезлиги нормал кўрсаткичлар доирасида бўлади. Шунини таъкидлаш зарурки, ушбу санаб ўтилган бузилишлар текширилган кекса ва муйсафид ёшдаги беморлар контингентининг ёшга боғлиқ бўлган ўзига хосликлари билан боғлиқдир.

Жадвалдан кўриниб турибдики, ўтказувчи анестезия ўтказилгандан сўнг ўрганилган кўрсаткичлар амалий жиҳатдан ўзгармади. Учта тадқиқот гуруҳидаги мавжуд бўлган ўзгаришлар бир хилда, яъни улар ўзаро қиёсий бўлди. Қиёсий гуруҳларни ўзаро солиштириш мақсадида бизлар гуруҳларни барча кўрсаткичлар бўйича мос бўлиши учун шу ҳолатда шакллантирдик. Қайд этиш керакки, ушбу санаб ўтилган қоида бузарликлар текширилаётган кекса ва кекса ёшдаги беморлар контингентининг ёш хусусиятлари билан боғлиқ эди. Жадвалда кўрсатилишича, ўтказгич анестезиясини ўтказгандан сўнг ўрганилган кўрсаткичлар деярли ўзгармаган. Учта ўрганилган гуруҳдаги мавжуд ўзгаришларнинг барчаси бир хил, яъни таққосланадиган бўлди. Лидокаин ва бупивакаинни оғриқсизлантириш учун ишлатган беморларнинг иккита кичик гуруҳларида биз ўрганиш босқичларида ўрганилган кўрсаткичларда махсус мунтазам ўзгаришларни аниқламадик. Бирок новокаин анестезияси қўлланилган I “А” гуруҳида беморлар жарроҳлик пайтида жарроҳлик соҳасида ўртача оғриқдан шикоят қилиб, тадқиқотимизнинг дастлабки босқичларида учта беморда кузатганмиз. Шунинг учун бу беморлар кўшимча равишда кетаминни ва фентанилни тегишли дозаларда вена ичига юборилди. Кейинги ўтказилган жарроҳлик амалиётларида I А кичик гуруҳидаги барча беморлар операция давомида аналгетиклар билан кўшимча равишда анальгезия қилинди.

Диссертациянинг тўртинчи бобда «**Умумий оғриқсизлантириш бўйича шахсий тадқиқот натижалари**» Умумий оғриқсизлантириш остида катаракта бўйича операция қилинган гериатрик беморларда периферик ва марказий гемодинамика, офталмотонус ҳолатининг кўрсаткичлари келтирилган.

## **II “А” кичик гуруҳидаги беморларда офталмотонус, периферик ва марказий гемодинамиканинг ҳолатини ўрганиш**

Премедикация операциядан 30 дақиқа олдин амалга оширилган бўлиб, унда наркотик бўлмаган аналгетиклар, антигистаминлар, Седатив воситалар киритилган. Кириш анестезияси 0,1мг/кг сибазон (5-10 мг) ва 2-3мг/кг кетамин томир ичига юбориш билан бошланди. Анестезияни сақлаш ҳар 15 дақиқада 1мг/кг кетамин юбоиш билан утказилди.

Тадқиқот гуруҳларида параметрларнинг асосий ўзгариши текширишларнинг иккинчи босқичида қайд этилди. Индукциядан кейин ва жарроҳлик амалиёти вақтида систолик АҚБни 12,2%га ва диастолик АҚБни 18,4% га ошганлиги қайд этилди. Бунда пульс босими деярли ўзгаришларсиз қолиб – фақат 0,46 % га ортди холос. Шунингдек ўртача АҚБни 15,9%га ортиши қайд этилди. Жарроҳлик амалиёти тугагач, АҚБни пасайиш тенденцияси мавжуд, аммо бунда кўрсаткичлар дастлабки маълумотларга нисбатан юқориликча қолади. Демак, жарроҳлик амалиётидан кейин АҚБ систолик, АҚБ диастолик ва ЎАБ мос ҳолда 5,3%; 13,1% ва 9,8% га пасайди. Ўрганилган кичик гуруҳда КИБни дастлабки белгилардан 15,6%га ортганлиги қайд этилади. АҚБ ва офталмотонус томонидан томонидан юзага келган бундай ўзгаришлар бизнинг фикримизча кетаминнинг таъсири билан тушунтиради.

5-жадвал

